

QILA DAVRASIDA

№ 26
(424)
16-iyul
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



«ЁПҚ»
ОШХОНАГА
МАРҲАМАТ
ёхудўз
ОВҒИМИЗГА
болта
уриб...

4-бет

МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ

50 фоизи ҳам олий таълимга кирмаяпти!

Нега?..



Таълим сифатида мавҳумлик ҚАНЧА

ДАВОМ ЭТАДИ?

3-бет

Тошкент вилоятида 256 бола «ҚАЙТА ТУГИЛДИ»



3-бет



Генри Форд ва Иноят Хон
МАҚЛ ва ҚАЛБ ХУКМРОНЛИГИ

5-бет



ДУНЁҚАРАШИМИЗ
қачон ва қандай ўзгаради?

6-бет



КАРАНТИН
КОРОНАВИРУС

белгилари кузатилса, нима қилиш керак?

7-бет

«Оила даврасида» газетасига

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ!

2020 йил учун
ОБУНА давом этмоқда

Обуна индекси - **193**



uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара китоблар ассортименти

Бюджет маблағлари, ота-она ишончи, ўқувчи умидининг йўқолиши

ЯНА ҚАНЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

«Мактабда таълим сифати, самарадорлиги, ўқитувчилар меҳнати ҳамда репетитор фаолияти ҳақида ўтган йиллар давомида газетамизда бир қанча мақолалар эълон қилинди. Бу масала юзасидан жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, таҳлилга тортилди. Лекин халқни қийнаб келаётган ушбу оғриқли муаммога соҳа мутасаддиларидан бирон амалий ҳаракат кузатилгани йўқ.

Масалага мутасаддилар ечим топшига уринмагани, жамоатчиликнинг билдирган ўринли таклифлари инobatга олинмагандан сўнг бу иш бевосита давлат раҳбарининг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Ҳақиқатан, давлат таълим тизимига миллиардлаб маблағ ажратди, ғамхўрлик қилади. Ота-оналар фарзандининг билими бўлиши учун қўлидан келганини аямайди. Устоз-мураббийлар эса ўқувчига илм бериш учун доимий изланишда. Фарзандлар ўқиб маърифатли бўлиш учун астойдил бел боғлаган...

Унда муаммо нимада?
«Репетитор» деган сўз бизга қачон кириб келганига аҳамият қаратсак, таълимнинг сифат даражаси қачондан бой берилди бошлагани аён бўлади. Ўқувчи ўн бир йил давомида ўзлаштирмаган билимини пайти келиб репетитор санокли оилар ичида етказиб берадиган бўлди. Бу жуда юқори натижа. Аммо нега биргина репетитор хусусий тартибда берган билимини бутун бир педагогик жамоа — улан таълим тизими уйдлашши зиммасига олмади? Қайтага репетиторлар учун катта йўл, кенг имкониятлар яратиб берилди. Мактабда ўқувчига дарс бериш касбий вазифаси бўлган, бунинг учун давлат бюджетидан маош оладиганлар ўз синфидаги болалардан репетиторлик гуруҳи тузиб олиш билан даромад манбаини икки хисса оширгани ҳеч кимни таажжубга солмади. Бора-бора бу иш мактабларда энг ичидаги «сегал» фаолият турига айланди.

Синфдошларининг кўпчилиги шу йўлни тутгандан кейин ўқувчида танлаш имконияти қоладими? У ҳам ота-онасига дийдиё қилиб, шу сафга

кўшилади, албатта. Қарабсизки, асосий дарслар иккинчи даражага тушиб, репетиторлик машғулотлари юқори мартабага чиқиб олади.

Ўқитувчисининг раъйини кайтармай, унга лаббай деб жавоб бериб, тезда репетиторлик гуруҳига кўшилган ақлли ўқувчи билан ўқитувчи орасида ҳамма муносабатлар бир текис йўлга қўйилади. Чунки эндиликда у ўқитувчи учун алоҳида даромад келтирувчи объект-да.

Мактабларда ўз вазифасини виждонан бажарадиган, ўқувчиси учун ўз фарзандидан ҳам кўпроқ қайгурадиган фидойи ўқитувчилар кўплиги бизнинг бахтимиз, албатта. Уларнинг дарс беришдаги фаолиятидан гўёки коник-майдиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. «Мактаб барибир яхши таълим бера олмайди, мактабда яхши ўқитувчилар йўқ, яхсиси, фарзандимни репетиторга берсам, бирпасда ҳамма нарсани ўрганиб олади», қабилида фикрлайдиган айрим ота-оналар ўқувчининг мактаб ва ундаги таълимга нисбатан ишончини сўндиришган, десак хато бўлмайди. Аслида ўқувчига йиллар давомида мактаб ўқитувчиси таълим бериб, билимини юксалтириб бориши керак. Бунинг орасида мактаб жамоасининг катта ва захматли меҳнати бор. Бироқ баъзан ўқувчининг ўқишга қиришдаги катта муваффақиятига негадир бошқалар эга чиқади. Бу эса, мактаб ва ундаги таълим тизимига бўлган ишонччи йўқотиши билан бирга, мактаб жамоаси учун ҳам маънавий зарба бўлади.

Афсуски, бугун мактаб ёшиданок оилада ўз холига ташлаб қўйилган

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВ: «Нимага ота-она репетитор топиб, боласини олий таълимга киритаяптию, нимага давлат шунча пул сарфласа-да, мактаб битирувчиларининг 50 фоизи ҳам олий таълимга кирмаяпти?..»



ёки ноҳолис қарашлар билан тарбияланаётган фарзандлар йўқ эмас. Баъзи ота-оналар фарзандига бундай ҳолатга мутлақо бефарқ. Натижада, бола ким қасрга етакласа, ўшанинг етовига юриб кетаверади. Илмли, маърифатли бўлиши, интеллектуал салоҳиятини эгаллаши керак бўлган болалар вояга етгач, жамиятга шунчаки индивид шаклида кириб келади. Бу эса жамият учун энг хатарли ҳолат.

Хусусий секторда репетиторлик фаолияти қўллар-қувватланиши, уларга шарт-шароитлар яратиб берилиши, қонуний йўл қўйиллиши айримларнинг сунистеъмолчилик кайфиятига, халқ таълимини тўлиғича даромад манбаига айлантириб олишига сабаб бўлди.

Икки ўртада ҳар қандай ҳолда мактабни тарк этмай фидойи меҳнат қилаётган ўқитувчиларга, мактаб жамоасига, таълим тизимига ишонч сусайди. Репетиторга борадиган одам мактабда ўқима-

са ҳам бўлаверади, қабилидаги нотўғри фикр шаклланишига сабаб бўлди.

Тинимсиз меҳнат эъзаига ўз ҳақини пешона тери билан топаётган ўқув марказлари ҳам кўп. Улар ўз вақтида мактабда олинмаган билимнинг ўрнини тўлдирish учун ҳаракат қилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шундай қаттиққўл ва талабчан педагоглар ёрдамида минг-минглаб ўқувчилар қисқа вақтдан унумли фойдаланиб билим олиш, ўз устида ишлаш, энг муҳими, ҳаққоний натижага эришиш нималигини билиб олишди. Ўн бир йил давомида мактабдан олмаган билиминини олти ой ичида репетитордан топганлар кам дейсизми?

Бирма-бир таҳлил қилганда мактаб ва ўқитувчи, ота-она ва фарзанд ҳамда репетитор орасидаги бу муаммо юзага келишидан жиддий манфаатдорлар борга ўхшайди. Акс ҳолда, бу муаммога йўл қўйилмаган, масалага тизимли ёндашилган ва ўз вақтида ижобий ҳал қилинган бўлар эди.

Кейинги пайтда ФХДЁ бўлимлари томонидан фуқароларнинг бир неча йил кечикиб бўлсада туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни олаётгани ҳақидаги хабарларни тез-тез эшитяпмиз. Хўш, нима учун ўша фуқаролар туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни ўз вақтида расмийлаштирмаган?

Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФХДЁ бўлими томонидан бевосита ёки Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилиши лозим. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари»да ёзиб қўйилган.

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, мутахассислар ҳамда ФХДЁ бўлими ходимлари томонидан уйма-уй юриб шаръий никоҳда яшаётганлар, айрим са-

ТУҒИЛГАН, АММО ҚАЙД ЭТИЛМАГАН

Тошкент вилоятида нима учун 256 ҳолатда туғилганлик гувоҳномалари мuddати ўтиб берилди?

бабларга кўра, фарзандларига ўз вақтида туғилганлик ҳақида гувоҳномаларни ололмаган фуқаролар бор ёки йўқлиги ўрганилиб, уларга ҳали ҳам шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш имконияти мавжудлиги бўйича тушунтириш бериб келинмоқда.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра Тошкент вилоятида 31 минг 580 та туғилиш ҳолати расмийлаштирилган бўлиб, шундан 16 минг 337 таси ўғил, 15 минг 243 таси қиз болалар. Туман ва шаҳар ФХДЁ бўлимлари томонидан 256 та мuddати ўтиб туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари расмийлаштирилган. Суднинг ҳал қилув қарори асосида 15 та, васийлик ва ҳомийлик органининг аризаси асосида 133 та, тиббиёт муассасасининг аризаси асосида 18 та мuddати ўтиб туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар берилди. Тугруқхоналардан ташқари жойларда туғилганлар 2 тани, асослан-тирувчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли рад этилган аризалар эса 8 тани ташкил этади.

Маълумотларга мурожаат қилсак, ФХДЁ органлари томонидан далолатномаларнинг мuddати ўтиб қайд этилишига кўпроқ ота-онанинг эътиборсизлиги ёки масъулиятсизлиги, туғилиши қайд этиш учун ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганлиги, оилавий шароит билан боғлиқ ҳолатлар, ота (она)нинг پاسпорти йўқлиги ёки мuddати туганганлиги сабаб бўлмоқда. Баъзан эса, ота-она қонуний никоҳда бўлмаганлиги, бола уйда туғилганлиги бўйича далолатнома тузилмаганлиги, туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотноманинг йўқ ёки йўқотилганлиги, туғруқ муассасаси томонидан туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома берилмаганлиги, бола бошқа давлатда туғилганлиги сабаб ҳам далолатномаларнинг мuddати ўтиб қайд этилиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Хорижий давлатларда туғилиши ўз вақтида қайд қилмаганлик учун белги-ланган тартибда эъзабгарлик қўлланилади. Масалан, Франция қонунчилигида туғилиши қайд этиш бола туғилганидан

сўнг 5 иш кунини амалга оширилиши шарт. Ушбу мuddат ўтиб кетса боланинг туғилиши суд тартибидида қайд қилинади. Бу ҳолда, боланинг ҳуқуқларини поймол қилганлиги учун ота-онасига ёки бошқа манфаатдор шахсларга нисбатан 3750 евро жарима ёки 6 ойгача озодликдан маҳрум қилиш қазоси қўлланилади.

Мамлакатимизда эса белгиланган мuddатнинг ўтиб кетганлиги туғилганликнинг қайд этилишига асло тўсқинлик қила олмайди. Шунингдек, ҳеч қандай жазо чораси ҳам белгиланмаган.

Ҳар бир ота-онанинг туғилган фарзандларига гувоҳномаларни ўз вақтида олишларини сўраб қоламиз. Акс ҳолда бу фарзандингиз ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади.

Гулрух ЯКУБОВА,
ФХДЁ органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш иш-ўба-си бош маслаҳатчиси

КАРАНТИН ТУГАШИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

«Хар бир давр ва жамиятнинг ўзига хос қонун ва тартиб-қоидалари бор. Одамларнинг уларга нечоғлик риоя қилиши билан ўша жамиятнинг асл қиёфаси ҳақида фикр уйғонади. Кишилар қонун ва тартиб-қоидаларга қанчалик беписандлик билан муносабатда бўлса, жамиятда қатор муаммолар пайдо бўлади ва бу ҳолат одамларни қийин вазиятга солиб қўяди.

Демократик тамойиллар устувор бўлган жамиятда фуқаролар ўзларини эркин ва озод шахс сифатида ҳис қилишади. Улар хоҳлаган юмушини ўзи истаган маҳалда бажараверишади. Ўзлари истаганча кийинишади, кўнгли туслаган тарзда хаё кечиришади. Тили, миллати, irqи бир хил бўлган одамларнинг эътиқоди турличалигини кузатиш мумкин.

Бироқ демократик эркинликнинг шартли битта: бу ҳам бўлса қонун устувор бўлиши ва қонунларга барча бирдек риоя қилишидир. Энг илгор демократия тамойиллари устувор мамлакатларда ҳам одамлар ўзларини қанчалик эркин ва озод ҳис қилмасин, улар хоҳлаган қилғилиқни истаганча қилаверишга ҳақлиман деган фикрдан мутлақо йироқ. Улар учун эркинлик ва демократиянинг бош омилли қонун устуворлиги саналади. Шу боисдан ҳам қонунлар ва жамият осойишталигини таъминловчи бошқа тартиб-қоидаларга ҳамма бирдек оғишмасдан амал қилишга интилади.

Биз ҳам демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қурагимиз деймиз. Лекин бизнинг миллат сифатида ҳам, мамлакат сифатида ҳам ана шу илгор демократиядан ўрганганимиз зарур бўлган ягона жиҳат – қонунга итоат этиш ва ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигини ушлаш принциpidир.

Сукрот нега ўлимдан қочмаган?

Сукрот ўлимга ҳукм қилинганида доғданднинг садоқатли шогирдлари устозини қочиша ундашибди. Сукрот эса уларнинг бу ишини қораларкан, қочишга асло рози бўлмабди. Сабабини сўраган шогирдларига файласуф: «Мен умр бўйи қонун, ҳуқуқ ва адолат ҳақида одамларга ваъз ўқидим. Энди эса сиз яратган имкониятдан фойдаланиб, қочадиган бўлсан, одамлар менга нисбатан ишончини буткул йўқотишади», деган экан...

Биздаги энг катта иллат шуки, ҳар доим ўзимизни кимдандир, нимадандир, хаттоки, қонундан ҳам устун қўйишга ҳаракат қиламиз. Бунга ундовчи такаббурилик, калондимоғлик, локайдлик туфайли жамиятда оқсоқлик келиб чиқиши хаёлимизга ҳам келмайди.

Мана ярим йилдан буён жаҳонни зир титратиб турган коронавирус пандемияси гофил бандалар кўзини очармикан, деб ўйлагандик. Афсуски, янглишибиз, шундай қалтис вазиятда ҳам инсоф, диёнати бир четга суриб қўйиб, руҳияти мудраб юрган кимсаларни кўриб ачиниб кетасан. Юртимизда жорий қилинган карантин тартиби туфайли айрим соҳа ва ҳаёт тар-

зимизда бирмунча ўзгаришлар, чекловлар юзага келди. Аввалига тўй ва маъракалар ўтказилиши тўхтатилди, кейинчалик ўттиз кишидан иборат ҳолда оилавий маросимларни ўтказишга руҳсат берилди.

Санок комиссияси бормидики, тўйга келган одамларни санаб, ўттиз нафардан ошганини аниқлаб ўтирадиган. Бу эса айримларга қўл келиб, бутун маҳаллаю таниш-билишини кун бўйи — эрталаб, тушда ва кечки пайт зиёфатга таклиф қилди. Оқибатда коронавирус юқтирган бир киши туфайли юзлаб инсонлар хавфли касалликни ўзларига ортириб кетишга мажбур бўлишди.

Вирус юқтирган инсон таом еган идиш шунчаки сувда чайилган билан тозаланиб қолмаслиги кундай равшан. У овқат етган қошиқдан ундан кейин яна ўнлаб одамлар таом емаслигига қафолат йўқ. Аслида бу бизнинг тўйларимиздаги энг катта хавфли жиҳат. Пандемиядан ташқари бошқа маҳалларда ҳам тўйхона – хавф ўчоғи бўлиб келганини тан олишимиз керак. Чунки тўйхонада ҳаммани бирварақайига овқатлантириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам тўйга келган биринчи гуруҳга таом тортилгач, идиш-товоқ йигиштириб олинди ва шунчаки илик сувда шоша-пиша чала-чулла чайилганча иккинчи гуруҳ олдиға овқат сузиб чиқа-



Кимдир қатъий чоралар кўрмаганликда маҳаллий мутасаддиларни айбламоқчи бўлади, кимдир эса четдан қайтиб келган элдошларимизни. Ер қаттиқ бўлса, ҳўкиз ҳўкизга муғузини ниқтайди, деганларидек, бир-биримизни айблашга устаси фаранг бўлиб қолганмиз.

«Ёпиқ» ошхонамизга марҳамат!

Замон ўзгаришти, биз эса ҳануз худбин-лигимизча қотиб қоляпмиз. Эндиликда дунёқарашимиз, қалбимиз, руҳиятимиз ўзгариши керак, ичхам ва тежамкорликни фазилатга айлантормас эканмиз, ўзимизнинг зараримизга яшайверамиз...



рилади. Бундай тигиз вазиятда вирусни ўлдирувчи махсус воситалар билан идишларни тозалаб ўтиришга хафсала ҳам, имкон ҳам йўқ.

Ўйлайманки, пандемиядан ижобий ҳулоса чиқарган ҳолда кейинчалик ҳам тўй-маъракаларни ичхамгина қилишга одатланмоғимиз жоиз. Бу фақат ва фақат ўзимиз учун қони фойда.

Дарҳақиқат, карантин — ўзини ўзи чеклаш жуда қийин ва синовли жараён. Уни сабр-тоқат ва метин ирода, мулоҳазакорлик билан энгиш мумкин. Бироқ, афсуски, тартиб-қоидаларни менсимасдан иши бўлсин, бўлмасин, зерикканини баҳона қилиб бозорларни айланиб юришни хуш кўрувчи одамлар ҳам йўқ эмас. Бозорларнинг ақсариятида эса ахвол телевидениеда кўрсатилганидан мутлақо бошқача эканини очик айтиш керак. Дезинфекция тадбирлари ҳам номига ўтказилиши, зарур шароитдан келиб чиқиб очилган бозорга кўпчилик ёш боласигача етаклаб боргани ҳақида газетамизнинг олдинги сонларида ёзган эдик.

Умумий овқатланиш шохобчаларидаги ахвол янада аянчли. «Тайёр таомни буюртмачига етказиб берамиз», деган ёзувни эшиги тепасига илиб қўйишади, аслида эса орқа эшикдан хўрандаларни қабул қилаверишади.

Кунни кеча бир танишим билан гавжум расталар орасида учрашиб қолдик. Тишини қовлаганча, кекириб турибди. Оғзидан эса ароқ хиди аниқиди.

– Бир мазза қилдим-эй, ўзимиз балиқмиксан балиқ экан, қарийб бир килони паққос

туширибман. Бу ошхонага олдин нега келмаганимга хайронман, – деди у ширақайф охангда.

– Карантин сабаб ошхоналар ёпилган-ку?! – дейман унга саволумуз қараб.

– Оббо... шу соддаликнинг қолмабди-да. Ошхоналар ишлаб турибди, фақат ўғринча эшик-тешигидан кириш керак. Текширувчилар дарвозага қараса, шапалоқдай қўл осиглик, индамай кетишаверади. Орқа эшик эса... равон очик...

Иштахаси наҳангдай бу танишимнинг сўзларига ишонмай баъзи тамаддиҳоналарнинг ён-агрофида айланаман. Тушмағурнинг рост сўзлаганига ишонч ҳосил қилгач... юрагим «шув» этиб кетади. Бу ерга кириб овқатланишнинг ўзи ҳаётини хатарга қўйиш билан баравар эмасми?! Ахир тамаддиҳоналар рисоладагидай дезинфекция қилингани, коронавирусдан ҳимояланишнинг қатъий чоралари кўрилганига ҳеч ким қафолат беролмайди-ку.

Қанчалик оғир бўлмасин, қатъий карантин тартиби жорий қилинган вақтда тамаддиҳоналарнинг «етказиб бериш» хизматини ҳам жиддий эътиборга олиш зарур, деб ўйлайман. Ахир, одамлар кўчага, ишга чиқмасдан уйда ўтирган бир паллада овқатланиш шохобчалари уззу-кун кимга таом етказиб бераётгани кизик, албатта. Уларнинг ишини зимдан бирпас кузатсангиз, тақсидга таом ташиётган одамни мутлақо учратмайсиз. «Қақат етказиб бериш» илдоаси шунчаки ниқоб эканига гувоҳ бўласиз, тамоом-вассалом.

Минг ўқинчилар билан шунга таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коронавирус хасталигига чалиниш ҳолатлари кундан-кунга кўпаймоқда, касалликнинг кунлик аниқланишида янги-янги рекордлар қайд этиляпти. Беморларнинг аҳоли орасида ҳам кўп учраётгани оғриқли муаммо албатта. Кимдир қатъий чоралар кўрмаганликда маҳаллий мутасаддиларни айбламоқчи бўлади, кимдир эса четдан қайтиб келган элдошларимизни. Ер қаттиқ бўлса, ҳўкиз ҳўкизга муғузини ниқтайди, деганларидек, бир-биримизни айблагга устаси фаранг бўлиб қолганмиз. Аслида вазиятнинг жиддийлашувиға ўзимиз сабабчи эканимиз тўғрисида ўйлаб қўриш фурсати етди.

Қарантин тартиб-қоидалари, меъёр ва низомилар инсон омилли учун ишлаб чиқилгани борасида жиддий мулоҳаза қилиб кўришимиз зарур. Қонунларга итоат, тартиб-қоидаларга риоя қилиш маданияти – онгли ва юксак тафаккурли кишиларнинг тамойили саналади. Чунки жамиятда амалда бўлган ҳар қандай ҳуқуқий талаб ва низомиларга амал қилиш фозил одамларнинг фазилатидир. Қонунлар ва тартиб-қоидаларга итоат кишини қомилликка етаклайди. Зеро, қомиллик мавжуд жойда жамият гуллаб-яшнайдир.

Бундай жамиятда эса бахт-саодат ҳам қомиллик тусини олиши шубҳасиз.

Санок комиссияси бормидики, тўйга келган одамларни санаб, ўттиз нафардан ошганини аниқлаб ўтирадиган. Бу эса айримларга қўл келиб, бутун маҳаллаю таниш-билишини кун бўйи — эрталаб, тушда ва кечки пайт зиёфатга таклиф қилди.

ДУНЁКАРАШМИЗ ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ЎЗГАРАДИ?



Жамият доим муайян қонуниятларга боғланган ҳолда тараққий этган. Ҳар қандай давлатчилик шаклларидаги эврилишларда шахсларнинг мантиқан мазмунли, моҳиятан яхши ниятли холис натижаларга эришишида қонуниятлар муҳим ўрин тутган.

Оддий кундалик қарашлар ақл-заковат эгалари бўлган зиёлилар учун фалсафий қонуниятларга рию этишни янада жонлантириш вазифасини юклармоқда. Жамиятда фалсафий қонуниятлар моҳиятини англаб етиш, кундалик мулоқотларда қўллаш, тушуниб жорий этиш ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Нуктаи назаримизча, бу каби аҳамиятли ҳолатларнинг эътиборли бўлишига синчковлик билан фалсафий қараш учун таъсирчан фикр-мулоҳаза ёки асосли таклифлар бериш ўз таъсир кучига эга десак, хато бўлмайди.

ни шакллантирадиган математика фанини жиддий ва холислик билан мантикий таҳлил қилиш ўринли тафсилотларга олиб келади. Том маънода, табиат назарияси ва амалиёти математика, демакки, инсоният учун назария вақт, амалиёт иқтисод (уй-жой) бўлишига бевосита боғланадиган математик таҳлилдаги дунёқараш таъминланиши лозим бўлади. Қолган натижалар физика, кимё, биология фанлари доиралари ичида айланади, бу математик мантик – барча фанларнинг илму фанга тўлиқ боғлиқлик маъно-мазмунини беради.

аввало, фалсафий қонуниятлар билан ўзаро уйғунлашиши шарт. Ал-Хоразмий бобомиз кашф қилган «ноль» сони чексиз сонлардан иборат имконият эмас, тескари математик амални таъминлаб, «ноль»га кўпайтиришга келиб қолмаслигимиз учун фалсафий қонуниятлар асосида яшаш тарзимизни вужудга келтиришимиз муҳим ўринга эга бўлмоқда.

Фикр-ғоя ва дунёқараш асосларини жўн нуктаи назар билан «деҳқонча» содда тил билан тушуниш зарур. Табиатан, шахс шаклланиши нуктаи назаридан ҳар бир ҳолатга мантикий таҳлил билан эътибор қилганда, фалсафий қонуниятлар: **қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши, инқорни инкор қилиш, сифат ўзгариши билан миқдор ўзгариши содир бўлиши** лозим. Мазкур фалсафий қонуниятлар бугун ҳам ўзга-

ошириш масалаларини белгилаб берди. Бу ташаббуслар расмий тадбир ёки оддий кўринишдаги ғоя эмас. Мазкур ташаббуслар моҳиятини мукаммал англаб етиш учун фалсафий қонуниятларга боғлиқ ҳолда педагогик қондалар асосида оддий тилда содда тушунишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Мазмунан беш ташаббус ғояси инсоният тамаддунининг ўзига хос тартиб ва талабларидир. Шунинг учун жамият таракқиётида шахслар ўртасида ижодий муҳит пайдо бўлса, унда ушбу жараёнга киришиш ва қурашиш лозим бўлади ҳамда орқага чекинмишга йўл йўқлигини кенгроқ дунёқараш билан тушуниб етиш зарурати туғилади. **Кишилик жамиятида доим дунёқараш ўсиши илмий-ижодий муҳитга боғлиқ бўлган.**

Яшаш ва касбий фаолиятда фалсафий қонуниятларга рию этиш ва бу қонуниятларни инсоният тамаддуни учун қўллаш олиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзлуқсиз таълим сифати таъминланиши учун тоза, хур фикр, тиниклик асосида ўзгарадиган қараш, холис ва тартибли интилиш, шунингдек, болалик каби беғубор соддалик устувор бўлиши шарт. Шунинг учун математика фани атама-лари ёки «тил»да координата ўқлари бўйлаб фазовий ҳаракатларда вектор чизиқлари билан онгимизда фазовий шакл билан беш ташаббусни ўзимиз учун қабул қилишга интилиб кўрайлик.

Илгари сурилган ташаббусларни гўзал англаш ва чиройли яшашга ҳаракат сифатида устувор ҳаётий мукамалликка интилиш деб билиш шарт.



ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”
MARKAZI



Ўзлуқсиз таълим сифати таъминланиши учун тоза, хур фикр, тиниклик асосида ўзгарадиган қараш, холис ва тартибли интилиш, шунингдек, болалик каби беғубор соддалик устувор бўлиши шарт.

Мазкур ташаббуслар онгли ва кувнок яшаш учун илк сценарий сифатида асослаб берилган. Буни англаб етган ҳолда бажариш ва беғубор тушуниш шахс шаклланишида муқим илдиэ отиш билан мукаммаллаша боради. Қалбан, юракдан соғ-саломат бўлиш барча ишлар деб ҳисобланади. Инсон соғ-саломат бўлиши учун чиройли яшаш, гўзал фикр-мулоҳаза юритиш учун зарур нарсаларни ўзлаштиришнинг етакчи манбаси бўлган ахборот технологиялари хизмат қилади, қолаверса, санъат ва спорт ривожига ўз ўрнига эга бўлган соҳа – ахборот-коммуникация бўлади, белгилаб берилган барча ташаббусларнинг ижтимоий тизимни англаб етиш илмий, бадий асарлар ва дарсликларни ўқиш билан ўз таъсир кучига эга бўлади. Бу каби ижтимоий салоҳият ва қадриятга эга ижобий таъсирларнинг ҳаммасини, аввало, оналар англаб етиши ҳал этувчи қонуниятдир. Шунинг учун ислохотлардаги энг олий ҳақиқатни таъминловчи куч – она ҳисобланади.

Қадим илдиэларимизда «жаннат оналар оёғи остида»лиги мукаммал баён этилган. Буни англаб етиш, умуман эсдан чиқармаслик ҳар бир фарзанд – келажак авлоднинг муқаддас ва энг фахрли бурчи саналади. Барча эзгу ишлар бошланиши ҳамда натижаси – хотин-қизларга ижобий ва ижодий муносабатлар асосида шакллантирилган шарт-шароитлар билан яқунланади.

Қаюм БОЙМИРОВ,

Низомий номидаги ТДПУ
Термиз филиали директори,
педагогика фанлари номзоди

«Ё ҳозир, ё ҳеч қачон!»

Инсониятнинг қонуниятлар мазмунини англаши, ҳаёти давомида унга интилиши жамиятга нисбатан дунёқарашлар ўзгаришига олиб келиши кундай равшан. Шунинг учун мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган «дунёқараш ўзгариши ё ҳозир, ё ҳеч қачон!» ғоясини англаб етиш мазмундор ва талабчан оғирлик марказига эга бўлган юклама ҳисобланади. Шу боисдан давлат ва жамият ижтимоий-иқтисодий таракқиётини белгиловчи ҳаракатларда турмуш тарзининг баъзи бир жиҳатларига онгли ва маъсулият билан эътибор қаратиш жуда долзарб бўлиб бораётгани маълум жараён сифатида англаб етилиши шарт.

Ўзлуқсиз таълим тизими ва унинг моҳият мазмунига оид фикр-мулоҳазаларни илгари суриш таълим моҳиятига тегишли ҳолда баён этиладиган илк нуктаи назар ва хусусий хулосалардир. Бугунги кунда жиддий таракқиёт босқичига кўтарилаётган, дунё ҳам-жамияти учун қизиқарли дунёқараш-

Фанлар қонуниятлари ва унинг таъсир кучига жиддий таҳлил билан мантикий фикр қаратсак, уларнинг барча таъсирлари инсоният учун бир вақтда содир бўлади. Айниқса тарбияга оид тушунчалар ўта нозиклик билан англашни талаб этади. Масалан, ақлий тарбия ёки ахлоқий тарбия тўхтаб туради, кейин жисмоний ёки меҳнат тарбияси келади деб ажрата олмаيمиз. Зотан, инсоннинг баҳоланиш мажбуриятига оид ҳолатларни инсонларнинг ўзаро муҳокама қилиши жиддий муаммо. Фанини ўқитиш фанга нисбатан эмас, шахс шаклланишини касбий фаолият, алқисса катта босимлар остида кичик ҳаётига тайёрлаш вазифасини бажариши лозим.

Дунёқараш ўзгариши – манфаат

Шахс дунёқарашини ўзгариши манфаат дегани. Манфаатга оид фикрлар кўпинча асосий восита сифатида бойлик – мол-дунё деган тушунчага олиб келади. Бойликка муносабат ўзгариши

ришсиз таъсир кучида қолганига ички бир туйғу билан келиш мумкин.

Ўзлуқсиз таълим жараёнидан нимадир кутиш, инсоният имконияти учун берилган вақт қадрига етиши асосланган хушмрон юқори босим бўлиб, буни жиддий таҳлил қилиш жоиз. Таълим жараёнидаги қарама-қаршиликлар қурашига киришиши оқибатида инкор қилиш хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлсин, у англаб етиш билан содир бўлса, унда сифат ўзгариши миқдорга боғланади ёки тескариси – миқдор сифатсиз бўлади.

Энди шахс баҳоланишини фалсафий қонуниятлар асосида ижтимоий ҳаракат сифатида кириб келаётган беш ташаббусни англаб етишга ҳаракат қилайлик.

Давлат раҳбари 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш учун маданият, санъат, театр, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланишга оид кўникмалар шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонлик тарғиботини кучайтириш, хотин-қизлар бандлигини

КОРОНАВИРУС

белгилари кузатилса қаерга мурожаат қилиш керак?

— Коронавирус юктирганликда шубҳа бўлса, қаерга мурожаат қилиш керак? Тез ёрдамга кўнги-роқ килсак СЭСга, СЭСдагилар оилавий поликлиникага мурожаат қилинг, дейди. Ҳеч қайси тайинли маслаҳат бермайди?

Саволга Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Ҳабибулла Оқилев жавоб берди:

— Ҳозирги кунда ҳудудидан қатъи назар барча оилавий поликлиникаларда (жумладан, Тошкент шаҳридаги 64 та поликлиникада) мобил тезкор эпидемиолог бригадалар ташкил қилинди.

Улар таркибида инфекционист, эпидемиолог ва умумий амалиёт шифокори мавжуд бўлиб, улар жойларда вазиятни ўрганишади ва уй шароитида ёки касалхонада даволаниш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Касаллик аломатлари бўлмаганда, ўзингизни тинчлантириш учун тест таҳлили топширишга ҳаракат қилманг. Таҳлиллар фақат аниқ кўрсатма бўлганда қабул қилинади.

«Эргоферон» коронавирусдан ҳимоя қила оладими?

— Бизга «Эргоферон» ичиш кераклигини уйимизга келиб ҳамширалар айтишяпти. Бу иммунитетни кўтарармиш. Коронавирус юкишига қарши дейишяпти. Шу ростми?

Саволга Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Нурмат Отабеков жавоб берди:

— Коронавирус инфекциясининг олдини олишда биринчи навбатда санитария-гигиена ва карантин талабларига риоя этиш зарур. Ҳамширалар фуқароларга энг аввало шунини тушунтиришлари керак, ко-

ронавирус ҳамшира даволайдиган касаллик эмас.

Касаллик профилактикаси учун ёки касаллик белгилари намоен бўлса, албатта шифокорга мурожаат қилиш керак, ҳар хил тавсиялар ва рекламадаги препаратлар билан билиб-билмай ўзбошимчалик билан даволаниш натижасида касалликни оғир формасига ўтказиб юбориш мумкин.

Касаллик аломатсиз кечиши мумкинми?

— Коронавирусда иссиқ чикмаслиги ҳам мумкинми, фақат томоқ оғриқ ва озроқ йўтал билан?

Саволга Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Нурмат Отабеков жавоб берди:

— Коронавирус инфекциясини «симптомсиз» шаклида, яъни касаллик белгиларисиз ўтайдиган шаклида тана ҳарорати кўтарилмайди ёки субфебрил ҳарорат бўлади. COVID-19 асосан ёшларда, иммун тизими юқори одамларда касаллик белгиларисиз кечади, чунки иммунитети нормал организм вируснинг тарқалишига қаршилиқ кўрсатади, лекин касалликни симптомсиз шакллари атрофдагилар учун хавфли ҳисобланиб, касаллик тарқалишига сабаб бўлади. Шунини назарда тутган ҳолда томоқ оғриғи ва йўтал белгилари пайдо бўлганда ҳам тиббий ёрдамга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

COVID-19 касаллиги юқини вақти ва биринчи аломатлар пайдо бўлишининг ўртасида ўртача 5-6 кун ўтиши мумкин. Лекин бу кўрсаткич ҳар хил беморда 1 кундан 14 кунгача кузатилиши мумкин.

Манба: АОКА телеграм канали

« Анемия бир қатор касалликларда синдром сифатида юзага келади ва тананинг барча аъзолари ва тўқималарига кислород етказиб беришда узилишларга олиб келади ва бу ўз навбатида кўплаб бошқа касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

АНЕМИЯ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

Анемия – бу қизил қон ҳужайралари сонининг камайиши, қизил қон тана-чаларининг меъёрдан пастлиги ёки гемоглобиннинг эркаларда 130 г/л дан ва аёлларда 120 г/л дан пастлиги.

Қандай намоен бўлади?

Ташқи томондан, анимия куйидаги-ча кўринади: тери ва шиллик пардалар оқариб кетади; бош айланиши ва бош оғриғи; уйқучанлик; чарчоқни ҳис қилиш; ишлаш қобилияти пасайиши; аёлларда ҳайз кўриш бузилиши, баъзи ҳолларда у бутунлай тўхташи мумкин; тинч ҳолатда бўлса ҳам, нафас сикилиши пайдо бўлади; юрак ритми тезлашади; ич қотиши ёки диарея; нафас олиш тизимининг юқумли касалликлари кўпроқ учрайди. Баъзан тирноқлар мўртлашади ва сочлар тушади.

Оғир асоратлар хавфи

Иммунитетнинг заифлиги ва натижада тез-тез юқумли ва вирусли касалликлар; болаликда ақлий ва жисмоний ривожланишнинг кечикиши; нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш функцияларининг бузилиши; юрак-қон томир касалликлари (масалан, юрак томирлари касаллиги, юрак етишмовчилиги); кўриш функциясининг пасайиши. Касалликнинг 3-даражаси энг хавфли бўлиб, гемоглобин 70 г/л дан пастга тушади. Бундай ҳолатда тананинг барча органлари ва тизимлари меъёрида ишлашни тўхтатади. Бу ўткир буйрак етишмовчилигига, юракнинг тез уришига олиб келиши мумкин.

Анемия билан беморнинг нафақат жисмоний, балки психо-эмоционал ҳолати ҳам ёмонлашади. У диққатини жамлай олмайди, тез асабийлашади ва хотира билан боғлиқ муаммоларга дуч келади.

Аёлларда камқонлик оқибати

Аёл танаси камқонликка кўпроқ мойил бўлиб, турли хил оқибатларга олиб келади. Ҳомилдорлик пайтида гемоглобиннинг етишмаслиги ҳомиланинг тушиши ва ҳомиланинг ривожланмай қолиши хавфини оширади. Тери, сочлар ва тирноқларнинг кўриниши ёмонлашади. Бешуптлик хавфи ортади.

Қандай даволанади?

Анемияни даволаш темир танқислигига олиб келадиган асосий сабабни топиш билан бошланади. Шунингдек, организмдаги озуквий моддалар микдорини тиклашга ёрдам берадиган тадбирлар ўтказилади. Фақатгина диета муаммони ҳал қила олмайди. Асосий даволаш: дорилар билан оддий гемоглобин даражасини тиклаш, анемия учун энг яхши темир кўшимчалари. Анемия билан оғриган беморларнинг аксарияти темир билан узок муддатли дори-дармонларга муҳтож. Улар микроэлементлар даражасини тиклашга ва унинг захираларини тўлдиришга ёрдам беради.

Камқонликда овқатланиш

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, жигар, балиқ, тухум сариги, тошпегирмон уни жуда фойдалидир. Қовоқ, кунгабоқар, кунжут уруғлари, ёнғоқлар, айникса pista, исмалок, карам, арпабодиён, майданоз барглари, лавлага, анор, олма, кўзикорин, қора смородина, ўрик, анжир, хурмо таркибида ҳам қонни темир моддаси билан бойитувчи элементлар кўп. Кофеинли ичимликлардан (масалан, чай, қаҳва, газли ширин ичимликлар) бутунлай тийилган маъқул. Айникса уларни овқат билан бирга ичмаслик керак. Кўпинча карам истеъмол қилиш ва қатик (кефир) ичиш тавсия этилади.

ТАБИАТ ДОРИХОНАСИ

Олимлар КОРОНАВИРУСНИ

«ўлдирувчи» маҳсулотни аниқлашди

« Франциянинг Монпелье университети тадқиқотчилар гуруҳи коронавирусни «ўлдирувчи» маҳсулотни аниқлашди, дея хабар берди «The Sun».

Тадқиқот муаллифларининг маълумотларига кўра, бу маҳсулот оддий карам ҳисобланади. Олимлар коронавирусдан ўлим даражаси паст бўлган мамлакатларда карамнинг ҳар хил турлари кўп истеъмол қилинишини аниқлашди. Масалан, Германия ва Жанубий Кореяда COVID-19 беморлари орасида ўлим кўрсаткичи жуда паст, — деб ёзади «The Sun».

Таъкидланишича, карам таркибида коронавирустининг оғир кечишига тўсқинлик қиладиган моддалар мавжуд. Оддий мисол, тузланган карам таркибидаги антиоксидантлар организмнинг патогенларга қарши ҳимоясини кучайтиради.

Авалроқ испаниялик диетолог Алевандро Кановас ва Испания пульмонология ва торакаль хирургия (SEPAR) жамияти раҳбари Эусеби Чинер ўпкани коронавирусдан ҳимоя қилишга ёрдам берадиган маҳсулотларни санаб ўтишганди. Кановаснинг сўзларига кўра, тухум, гуруч, балиқ, ёнғоқ нафас тизимини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Чинер эса бунини ўпка ҳолати ёмонлашганда организмнинг оқсилга эҳтиёжи ортиши билан изоҳлаган. Хусусан, тухум таркибида А витамини каби ёғда эрийдиган дармондорилар, шунингдек, сифатли оқсиллар бор.

Манба: «Хабар.уз»

« Қора седана ёғи ошқозон ости безига «огоҳлантирувчи» таъсир кўрсатади. Иммунитетни кучайтириш учун ушбу мой ҳам терапевтик, ҳам профилактик мақсадларда ишлатилиши мумкин.

Қора седана ёғининг фойдаси

Умумий кучайтирувчи таъсирга кўшимча равишда қора седана ёғи яллиғланишга қарши, антибактериал ва антивирал хусусиятларга эга ва шамоллаш, бронхит ва пневмония билан самарали курашади.

Ушбу ёғ ошқозон-ичак тракти ва жигар фаолиятини яхшилайдиган, шунингдек ошқозон ширасининг кислоталиги, ичак микрофлораси ва яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ турли касалликларнинг олдини олади. Асал ва қора седана аралашмаси буйрак тошларини, ўт пуфағи ва сийдик пуфағидаги кристалларни майдалаш ва улар пайдо бўлишининг олдини олиш учун ишлатилади.

Қора седана ёғи қон томирлари деворларини

мустаҳкамлашга ва уларнинг эластиклигини оширишга ёрдам беради. Қон босимини пасайтиради. Қон ва лимфа айланишини яхшилайдиган. Озикланиш ва терининг тозаланшига ёрдам беради.



Саҳифани Маҳфуза ПУ.АТОВА тайёрлади.

